

Нахуро қизлари Сора (учинчи мақола)



11:00 / 27.11.2020 3220

Ҳазрати Сора ва ходималари

Сора подшоҳнинг қасридан Ҳожар билан қайтдилар. Уйга етиб келганларида эрлари нима ҳодиса бўлганини сўрадилар. Сора: «Аллоҳ таоло фожирнинг қўлини тузатди ва менга бир жория берди», дедилар. Яна ёмғир ёғиб, ҳамма ёқда мўл-кўлчилик бўлди. Иброҳим алайҳиссалом оилалари билан Фаластинга қайтдилар. Йўлда Иброҳим алайҳиссаломга Аллоҳ таоло ваҳий юбориб, Урдун диёридаги Садум аҳлига Расул бўлишни амр қилди. Уларни ёлғиз Аллоҳ таолога ибодат қилишга, фахш ишлардан қайтаришга буюрди. Иброҳим алайҳиссалом Аллоҳ таолодан (жиянлари) Лут алайҳиссаломнинг боришларига изн сўрадилар, изн берилди. Лут алайҳиссалом Урдун диёрига кетдилар.

Иброҳим алайҳиссалом оилалари билан Фаластинга етиб келдилар. Сора Иброҳим алайҳиссалом билан етти йил бирга яшадилар. Улар фарзанд кўришмади. Иброҳим алайҳиссалом фарзандли бўлишни хоҳлардилар. Шу ҳақда кўп тафаккур қилиб юрардилар. Бир кун Сора Ҳожарга сув келтиришни буюрдилар. Сув келтирилди. Кўзлари кўзларига тушиб, Ҳожарни Иброҳим алайҳиссаломга олиб беришни ўйладилар. Яна кўнгилларига ғашлик тушиб: «Иброҳим уйланганидан кейин мендан узоқлашиб кетса-я» деб қўрқдилар.

Кунлар ўтиб, васвасалари кетгач: «Иброҳим алайҳиссалом мўмин, ширин сўз, содиқ, инсонлар, хотин олсалар ҳам ўзгармайдилар, манзилни ҳам тарк қилмайдилар, деб ўйладилар. Иброҳим алайҳиссаломга фикрларини билдирдилар. Шояд, Аллоҳ таоло фарзанд ато этса, деган ниятда Иброҳим алайҳиссалом рози бўлдилар ва жорияларига уйландилар. Кунлар ўтиб, Ҳожарнинг бўйларида бўлди. Бу ҳолатдан Соранинг рашклари кучайди. Ҳожар Исмоил алайҳиссаломни туғдилар, Соранинг рашклари янада кучайди. Исмоил ва Ҳожарни узоқлаштиришни истаб қолдилар. Иброҳим алайҳиссалом Аллоҳ таоло иродаси ила аёллари ва ўғилларини Маккага юбордилар. У ерлар фақат саҳродан иборат эди. Озгина хурмо, сув билан уларни ташлаб келдилар ва дуо қилиб оилаларини саломат сақлашини ҳамда барака беришини Аллоҳдан сўрадилар:

اِنَّبَرَمَرَّخُمُ لَ اَلْكُتَيْبَ دَنَعِ غَرَزِي دَرِي غَدَاوَبِ يَتِّي رُذْنَمُ تَنْكَسَا يِّنْ اِنَّا بَر
نَّمُ مُمْ قُزْرَاوْ مُمْ هَيْ لِي وَّوَتَسَا نَلْ اِنَّمَّ دَرِيْ فَا لْ غَجَا فَا لْ صِلَا اُوْمِ يَ قِيْل
نُوْرُكُ شِي مُمْ هَلْ غَل تَا رَمَّ ثَلْ

«Парвардигоро, албатта мен зурриётимдан (бир бўлагини - ўғлим Исмоил ва унинг онаси Ҳожарни) Сенинг ҳурматли Байтинг ҳузурдаги экин ўсмайдиган бир водийга жойлаштирадим. Парвардигоро, (улар) намозни тўкис адо қилсинлар, деб (шундай қилдим). Бас, Сенинг Ўзинг одамларнинг дилларини уларга мойил қилиб қўйгил ва уларни (барча) мевалардан баҳраманд этгил. Шояд, шукр қилсалар» (Иброҳим сураси, 37-оят). Сўнг ўзлари Фаластинга қайтиб келиб, Ҳазрати Сора билан яшаб турдилар.

Бир куни эр-хотин ёлғиз ўтирганларида эшик тақиллади. Иброҳим алайҳиссалом югуриб бориб, эшикни очдилар. Ҳузурларига уч киши кириб келди. Улар жуда гўзал ва ҳайбатли эдилар. Уларни эҳтиром ила ўтқиздириб, олдиларига таом, гўшт қўйдилар. Меҳмонлар овқат ейишмади ва ўзларининг малоика эканликларини билдириб, Аллоҳ таоло Садум аҳлига азоб юборишини айтдилар. Чунки улар Лут алайҳиссаломнинг

даъватларига қулоқ солмасдилар.

Ўз ширклариди, фаҳш, мункар ишларида давом этардилар. Малоикалар қайтиб кетаётганларида Сора онамизнинг фарзандли бўлишлари, ўғил кўришларининг башоратини бердилар - «(Парда ортида Иброҳимнинг) хотини турган эди. У (фаришталарнинг Лут кофир қавмини ҳалок этиш учун келганликларини эшитиб) кулди - хурсанд бўлди. Шунда:

﴿بِوُقُوعِ قَحْطِ سَارِو نَمَوْ قَحْطِ سَابِ اِهَانِ رَّشَبَفٍ تَكَحَّضَفُ مَئِئِاقُ هُتَّارْمَاو﴾

Биз (фаришталаримиз воситасида) **у аёлга Ишоқ** (исмли ўғил кўриши) **ҳақида ва Ишоқдан кейин Яъқуб** (исмли набира кўриши) **ҳақида хушхабар бердик»** (Худ сураси, 71-оят).

Бу хабарни эшитган Сора онамиз ҳам хурсанд бўлиб, ҳам даҳшатга тушиб дедилар.

﴿بِجَعِّعُيَّ شَلْ اَدَهَّ نِ اَخِي شِ يَلْعَبْ اَدَهَّو زُوْجَعْ اَنَّاو دَلَّاو تَلِّيَو اِي تَلْ اِق﴾

«У деди: «**Вой ўлмасам, ўзим кампир, эрим қари чол бўлса ҳам, туғавераманми? Бу жуда қизиқ иш-ку!**» (Худ сураси, 72-оят).

﴿تَلِّيَبَلْ اَلْهَ اَمُّ كَيْ لَعَّ هُتَاكَرَبَو لَلْ اَتَمَّ حَرَّه لَلْ اَرْمَ اَن مَنِّي بَجَّعَتْ اُولَاو اِق
﴿دِي جِّمُ دِي مَحُّو﴾

Малоикалар Сорага дедилар: - «**Улар айтдилар: «Аллоҳнинг амридан ажабланияпсанми? Эй хонадон эгалари, сизларга Аллоҳнинг раҳмати ва баракоти бўлгай. Албатта У ҳамду сано эгаси ва буюк зотдир»** (Худ сураси, 73-оят).

Ҳазрати Сора Аллоҳга шукр қилдилар.

Кунлар ўтиб, Ҳазрати Соранинг ҳам ҳомилалари билиниб қолди. У зот жуда хурсанд эдилар. Ой куни тўлиб, Ишоқ алайҳиссаломни туғдилар.

Соранинг вафотлари

Ҳазрати Сора Ишоқ алайҳиссаломни 90 ёшларида туғдилар. Ишоқ алайҳиссаломга ҳаётларининг сўнгги йилларини бағишлаб ўстирдилар. Иброҳим алайҳиссалом баъзан Ҳожарнинг олдиларига кетардилар. Шунда Ҳазрати Сора ўғиллари билан ёлғиз қолардилар. Ишоқ алайҳиссалом ўсиб-улғайиб, уйландилар. Сора онамиз 127 ёшда вафот этдилар. Муборак Фаластин еридаги Халил деган шаҳарга дафн этилдилар.

(Тамом)

«Мўминалар силсиласи» китобидан